

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУВВАТОВ ГОЛИБЖОН БАХТИЁР ЎҒЛИ

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА
УЛАРНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
economic sciences**

Кувватов Голибжон Бахтиёр ўғли

Молиявий ҳисобот элементларини прогноллаш ва уларнинг ретроспектив таҳлилини такомиллаштириш 3

Кувватов Голибжон Бахтиёр ўғли

Прогнозирование элементов финансовой отчетности и совершенствование их ретроспективного анализа 25

Kuvvatov Golibjon Bakhtiyor ugli

Forecasting financial reporting elements and improving their retrospective analysis 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 52

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУВВАТОВ ГОЛИБЖОН БАХТИЁР ЎҒЛИ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ ВА
УЛАРНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt1004 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «Zivonet» Ахборот-таълим порталида (www.zivonet.uz) жойлангирилган.

Илмий раҳбар:	Рахимов Матиязър Юсунович иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Пардаев Мамаюнус Қаршибеянович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Азизов Шерзод Уктямович иқтисодиёт фанлари доктори, доцент
Етақчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» 01 куни соат/14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (169 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «08» 01 куни тарқатилди.
(2021 йил «08» 01 даги 7 рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабас
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Н.Н.Каландарова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

И.Н.Кузиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда барча алоҳида иқтисодий тармоқларини бирлаштирувчи асосий кўрсаткич ялпи ички маҳсулот ҳисобланади. Жаҳон буйича «ЯИМ 2019 йилда ўтган йилга нисбатан қарийб 2,9 фоизга ўсган»¹. ЯИМ таркибида саноат ишлаб чиқариш улуши катта бўлгани сабабли инвестицион, ҳамда инновацион сиёсат айнан шу тармоққа қаратилган. Инвесторлар ўз сармояларини йўналтириши тадбиркорлик субъектлари молиявий ҳолати ва унинг қутилишларини, фойда ва зарарлар, пул оқими ва капиталдаги ўзгаришларининг прогнози натижасига қаратилган. Ривожланган мамлакатларда тадбиркорлик субъектлари ўзининг молиявий ҳолати ахборотларини фойдага таъсирини доимий равишда назорат қилиб, уларни юқори кўрсаткичларга эришишнинг муҳим омили сифатида қарамоқда. Шу боис, молиявий ҳисобот элементларини прогнозлаш ва уларнинг ретроспектив таҳлилни такомиллаштиришни халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш зарурати ҳозирги глобаллашув жараёнида мазкур муаммонинг долзарблигини янада оширмоқда.

Жаҳон амалиётида инновацион ва рақамли иқтисодийнинг ривожланиш шароитида молиявий ҳисобот элементларини прогнозлаш ва таҳлилни ривожлантириш борасида кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Бирок, жаҳон иқтисодийдаги ҳозирги ҳолат ушбу илмий тадқиқотларни ҳам маълум маънода иқтисодий таҳлилнинг ташкилий, услубий, амалий жиҳатларини тубдан такомиллаштиришни талаб этмоқда. Айниқса, таъсир доирасини кенгайтираётган турли инкирозлар, турғунликлар сабабларини билишда, уларнинг муҳим ечимларини чиқариш, чора-тадбирларини белгилашда иқтисодий таҳлилнинг кўплаб камчиликлари кўзга ташланмоқда. Ушбу тадқиқотларда тадбиркорлик субъектлари молиявий ҳисобот элементларини ретроспектив таҳлил этиш ва прогнозлашда методик ёндашувларнинг аниқ тартиби, унинг ташкилий аппарати, мукамал методикаси ишлаб чиқилмаганлиги, ахборотлар базасининг халқаро сифат меъёрларига мос келмаслиги, прогнозлашда рисклар даражасини юқорилиги, баҳолашнинг аниқ тартиблари белгиланмаганлиги соҳада энг муҳим муаммолар қаторига киради. Молиявий мониторинг тобора заифлашаётган, ресурслар оқимида узилишлар тез-тез кузатилаётган, мажбуриятлар тобора ошиб бораётган, иқтисодий ночорлик хавфлари кучаяётган бир шароитда бухгалтер-таҳлилчилар, бизнес-аналитиклар, экспертларнинг алоҳида корхоналар учун ҳам, жаҳон иқтисодиёти учун ҳам асосли, аниқ ечимларни беришда қатор саволлар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

«Ўзбекистонда хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик таваккалчиликлари олдинги натижалардан кўра кўпроқ қутилаётган хавфларга боғланиб қолмоқда. Бу эса прогнозлашнинг барча даражаларида нафақат ички омиларни балки ташқи омилар таъсирини ҳам ҳисобга

¹<https://www.statista.com/statistics/273951/growth-of-the-global-gross-domestic-product-gdp/>

олишни талаб этмоқда. Бу ҳақ танланган мавзунинг нақадар долзарб эканлигидан далолат беради»². Ўзбекистонда таҳлил мактабининг тарихий ривожланишини тадқиқ этини асосида шундай хулосага келиш мумкинки бузулган кунда «Замонавий таҳлил»ни йўлга қўйиш молиявий ҳисобот ахборот манбаларини, аналитик ишлар шакли ва мазмунини, услубий ва амалий жиҳатларини тубдан янгилашни талаб этмоқда. «Иқтисодиётдаги тизимли ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши жорий йилда 35 фоздан 37 фозга ортиши кутилмоқда. Шу сабабли, ҳар бир туман ва шаҳар саноатини ривожлантириш бўйича урта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш»³ устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Мазкур вазифалар бажарилишини таъминлашда молиявий ҳисобот элементларини прогнозлаш ва уларнинг ретроспектив таҳлилин ривожлантириш танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 25 февралдаги ПҚ-4210-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот элементларини прогнозлаш ва унинг ретроспектив таҳлилин такомиллаштириш юзасидан хорижлик олимлардан У.Ф.Шарп, Г.Дж.Александр, Дж.В.Бэйли, Б.Нидлз, Х.Андерсон,

²Исаева Ш.М., Ясулова Х.С. современные проблемы проведения анализа финансово-экономического состояния предприятия и пути их решения // Современные проблемы науки и образования. №. URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=1>

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январь кунини мамлакатимиз Парламентига Мувожаатномаси. «Халқ сузи» газетаси, 2020 йил 28 январь.

Д.Колдуэлл, Й.Бетге, Л.А.Бернстайн, М.Бретт, Ю.Ф.Бригхем, М.С.Эрхардт, Дж.К.Ван.Хорн, Д.Вахович, Т.Р.Карлин, А.Р.Макмин, Ж.Ришар, Д.Стоун, К.Хитчинг, Р.Томас, Г.Харман, К.Хеддервик, Э.С.Хедриксен, М.Ф.Ван Бреда, Э.Хелферт, Й.А.Шумпетер, Р.Энтони⁴ ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

Муस्ताқил давлатлар ҳамдўстлигидан И.Т.Абдукаримов, А.И.Алексеева, М.И.Баканов, М.В.Мельник, А.Д.Шеремет, Л.Т.Гиляровская, И.М.Дмитриева, В.И.Бариленко, О.В.Ефимова, И.В.Захаров, О.Н.Калачева, Т.Б.Бердникова, Н.П.Кондраков, Л.В. Донцова, Н.П.Любушин, Г.В.Савицкая, С.Б.Барнгольц, В.В.Ковалев, Ю.П.Маркин, Ю.В.Панько, Н.В.Яшкова, Я.В.Соколов, В.В.Ковалев, А.Н.Хорин⁵ ва бошқаларни илмий ишларида

⁴Шарп У., Александер Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М.: ИНФРА-М, 2001. - XII, 1028 с. ISBN 5-86225-455-2 (русск.). Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы Бухгалтерского учета - 2-е изд. - М.: Финансы и статистика, 2004. - 496 с., Бетге Й., Балансоведение: пер. с нем / Науч. ред. В.Д. Новодворский; вступ., Бакаев А.С. Толковый бухгалтерский словарь - Москва: Бухгалт. учет, 2006. - 168 с., Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности: Теория, практика и интер* претация - М.: Финансы с статистика, 2017. 622 с., М.Бретт Как читать финансовую информацию М.: Проспект 2004. - 464 с., Бригхэм Ю., Эрхардт М. Финансовый менеджмент. 10-е изд. / Пер. с англ. Под ред. к.э.н. Е.А. Дорофеева. СПб.: Питер, 2009. 960 с., Ван Хорн Д., Вахович Д. Основы финансового менеджмента Пер. с англ. - 12-е изд. - М.: Вильямс, 2008. - 1232 с., Карлин Т.Р., Макмин А.Р. Анализ финансовых отчетов (на основе GAAP): Учебник. М.: ИНФРА - М, 2001. - 448 с., Рипар Ж. Аудит и анализ хозяйственной деятельности предприятия; пер. с франц. под ред. Л. П. Бельх. - М.: Аудит, ЮНИТИ, 1997. - 375 с., Стоун Д., Хитчинг К. Бухгалтерский учет и финансовый анализ: Подгот. курс: [Пер. с англ.] - М.: Сирин : Бизнес-информ, 1998. - 302 с., Ричард Т. Количественные методы анализа хозяйственной деятельности Текст пер. с англ. М.: Дело и Сервис, 1999. -432 с., Харман Г. Современный факторный анализ Текст. пер. с англ. М.: Статистика, 1972. - 485 с., Хеддервик К. Финансово-экономический анализ деятельности предприятий Текст. пер. с англ. М.: Финансы и статистика, 1996. - 189 с., Хедриксен Э.С., Ван Бреда М.Ф. Теория бухгалтерского учета: Пер. с англ./Под ред. проф. Я.В. Соколова. - М.: Финансы и статистика, 2000. - 576 с., Э.Хелферт: Техника финансового анализа. 10-е издание. 10-е изд. - СПб.: Питер 2003. - 640 с., Ван Хорн Дж. К. Основы управления финансами Текст. / К. Дж. Ван Хорн; пер. с англ. М.: Финансы и статистика, 2005. - 800 с., Шумпетер Й.А. История экономического анализа Текст.: в 3 т. пер. с англ. СПб.: Экономическая школа, 2004. - 1670 с., Энтони Р. Учет: ситуации и примеры Текст. пер. с англ. М.: Финансы и статистика, 2000. - 560 с.

⁵И.Т.Абдукаримов, Финансово-экономический анализ хозяйственной деятельности коммерческих организаций. Учеб. пос. М.: НИЦ Инфра-М, 2012. - 319 с., А.И.Алексеева, Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности: учебное пособие А.И. Алексеева - М.: Инфра-М, 2016. - 706 с., Хорин А.Н. Стратегический анализ Текст. / А.Н.Хорин, В.Э.Керимов. М.: ЭКСМО, 2006. - 286 с., М.И.Баканов, М.В.Мельник, А.Д.Шеремет, Теория экономического анализа: учебник 5-е изд., перераб. и доп. М.: Финансы и статистика, 2018. - 536с., А.Д.Шеремет, Методика финансового анализа М.: ИНФРА-М, 2018. - 208 с., А.Д.Шеремет, Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия: учебник для вузов М.: Инфра-М, 2019. - 366 с., Л.Т.Гиляровская, Экономический анализ. Учебник.-М.: «Юнити-Дана» 2004: - 615с., И.М.Дмитриева, Бухгалтерский учет и анализ: учебник для академического бакалавриата М.: Юрайт, 2019. — 358 с., В.И.Бариленко Комплексный анализ хозяйственной деятельности : учебник и практикум для академического бакалавриата / под ред. В.И.Бариленко. -М.: Издательство Юрайт, 2016. - 455 с., О.В.Ефимова, М.В. Мельник Анализ финансовой отчетности.4-е изд., испр. и доп. - М.: Омега-Л, 2009 - 451 с., Захаров И.В., Калачева О.Н. Бухгалтерский учет и анализ - Учебник для академического бакалавриата 2015. - 424 с., Бердникова, Т.Б. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия: учебное пособие М.: ИФРА-М, 2018. - 215 с., Н.П.Кондраков, Бухгалтерский (финансовый, управленческий) учет. учебник 4-е изд., М.: Проспект, 2016. - 512 с., Л.В.Донцова, Анализ финансовой отчетности: учебник 6-е изд., перераб. и доп. М.: Дело и сервис, 2017. - 612 с., Н.П. Любушин, Экономический анализ. учебник для студентов вузов, обучающихся по специальностям «Бухгалтерский учет, анализ и аудит» и «Финансы и кредит» М.: Юнити-Дана, 2019. - 575 с., Г.В.Савицкая, Комплексный анализ хозяйственной деятельности предприятия: учебник 7-е изд.; перераб. и доп. -М.: Инфра-М, 2020. С.Б.Барнгольц, М.В.Мельник, Методология экономического анализа деятельности хозяйствующего субъекта Финансовый университет при Правительстве РФ, 125993, ГСП-3, г. Москва, Ленинградский просп., 49 учебное пособие Издательство "Финансы и статистика" 2003. - 240 с., Ковалев А.И. Анализ финансового состояния предприятия: [Монография] / А.И.Ковалев, В.П.Привалов. - 4. изд., испр. и доп. - М.: Центр экономики и маркетинга, 2000. - 204 с., Ю.П.Маркин Экономический анализ Учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по направлению «Экономика» и другим экном.

қуриб чиқилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Р.О.Холбеков, М.Қ.Пардаев, Б.А.Хасанов, А.А.Хашимов, Т.Ш.Шоғиёсов, З.А.Сагдиллаева, А.Т.Иброҳимов, Н.Ф.Ишонкулов, Б.В.Файзиев, Б.И.Исроилов, М.Ю.Рахимов, Ж.И.Исроилов, О.Т.Астанакулов, А.В.Ваҳобов, А.Х.Шоалимов, Б.Ж.Хакимов ва Н.Н.Каландаровалар⁶ томонидан айрим жиҳатлари ўрганилган.

Олиб борилган илмий тадқиқотларни ўрганиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, молиявий ҳисобот элементларини прогноزلаш ва уларнинг ретроспектив таҳлили бўйича яхлит битта илмий тадқиқот иши олиб борилмаган. Мазкур тадқиқотлар кўпроқ молиявий ҳисобот таҳлилининг умумий, анъанавий, алоҳида олинган тармоқ бўйича таҳлилий жиҳатларга аҳамият қаратилганлиги билан фарқланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ФМ-6 «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил, аудит ва статистика соҳалари тараккиётини концептуал йўналиши» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади молиявий ҳисобот элементларини прогноزلаш ва уларнинг ретроспектив таҳлилининг такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

молиявий ҳисобот, молиявий ҳисобот элементлари, молиявий таҳлил ва молиявий ҳисоботни прогноزلашнинг маҳаллий ва хорижий манбаларини тадқиқ этиш орқали таҳлилининг терминологиясини бир хиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ҳисобот маълумотлари асосида тадбиркорлик субъектлари молиявий ҳолати ва унинг қутилишларини, фойда ва зарарлар, пул маблағлари нақдлигини таҳлил этиш ва прогноزلашни бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий

специальностям – 3-е изд., стер. – М.: Омега-Л, 2011. – 450 с., Панько Ю.В., Япшкова Н.В. Экономический анализ. Учебно-методическое пособие – М.: Мир науки, 2018. – Режим доступа: <http://izd-mn.com/PDF/29MNNPU18.pdf> – Загл. с экрана ISBN 978-5-6041425-8-5 Соколов Г.А., Введение в регрессионный анализ и планирование регрессионных экспериментов в экономике / Г.А. Соколов. - М.: ИНФРА-М, 2017. - 889 с., Ковалев В.В. Бухгалтерский баланс в исторической ретроспективе / В.В. Ковалев // Вестник СПбГУ, - г.2011, №3. - с.86. 92., Ковалев, В. В., Ковалев, Вит.В. Анализ баланса. – 3-е изд., перераб. и доп. – Москва : Проспект, г.2016, с. -316.

⁶Р.О.Холбеков, Н.С.Нечехурина, Т.И.Буянова, И.Е.Власова, А.Ю.Попов, В.С.Матвеева, С.В.Поведнишникова, Т.Ю.Девятова. «Бухгалтерский учет: теория и практика России и Узбекистана», 2019 й. - 464 с., Б.А.Хасанов, А.А.Хашимов. «Бошқарув ҳисоби», Дарслик. Т.: «Иқтисод-Молия», 2005 й., - 84., Рахимов М.Ю., Каландарова Н.Н.; Молиявий таҳлил. Дарслик. Т.: «Иқтисод-Молия», 2019 й., - 736 б., Рахимов М.Ю., Каландарова Н.Н., Останакулов О.Т. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Т.: Иқтисод-молия 2020 й. - 456 б., Хасанов Б.А., Рахимов М.Ю. ва бошқалар Молиявий таҳлил. Т.:ТДИУ., 2020 й. - 736 б., Шоғиёсов Т.Ш., Сагдиллаева З.А., Файзиев Б.В. Финансовый и управленческий анализ: Учебник. Т.: Иқтисод – Молия, 2008. - 352 с., Шоғиёсов Т.Ш. Комплекс Иқтисодий таҳлил. Дарслик. Т.: Фан ва технология, 2012. 278 б., Ваҳобов А.В., Ишокулов Н.Ф., Иброҳимов А.Т. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. –Т.: «Иқтисод – Молия», 2013. - 600 б., Хакимов Б.Ж., Алимов Б.Б. Холмирзаев У.А. Полатов А.Х. Иқтисодий таҳлил назарияси. –Т.: «Иқтисод – Молия», 2013. - 240 б., Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.: «Print Line Group», 2017. - 533 б.

таҳлил ва аудитнинг концептуал асосларига мос услубиётини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

молиявий ҳолат, молиявий натижалар, пул оқимлари ва капиталдаги ўзгаришларни даврий, тор доирадаги ва бир марталик жараёнлар таҳлилидан қизиқувчилар, контрагентларнинг кенг доираси учун комплекс, келажакка йўналтирилган бизнес-таҳлилга айлантириш юзасидан аниқ таклифлар тайёрлаш;

фаолият ва бошқарув самарадорлигини оширишга қаратилган тактик ва стратегик қарорларини қабул қилишда молиявий ҳисоботни прогнозлашнинг ягона алгоритминини яратиш;

молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш, корпоратив бошқарувни йўлга қўйиш, молиявий ҳисобот таҳлили, прогнозлаш юзасидан келажакдаги хатти ҳаракатга қаратилган бошқарув қарорларинини тайёрлашнинг аниқ таклиф ва тавсияларини бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти тизимига кирувчи корхоналар танланган.

Тадқиқотнинг предмети молиявий ҳисобот элементларини прогнозлаш ва уларнинг ретроспектив таҳлилини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли, илмий абстракция, диалектик ёндашув, эконометрик моделлаштириш, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий (гуруҳлаш, таққослаш, мутлақ фарқ, нисбий фарқ, занжирли боғланиш), эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

молиявий ҳисобот элементларининг ретроспектив таҳлиliga «инвестицион жозибadorлик», «рискларга бардошлик» кўрсаткичларини қиритиш ва аниқлаш услуби таклиф этилган;

молиявий ҳисоботни оралик, жамланган, алоҳида турларини таҳлил этиш орқали самарадорлик ва натижавийликнинг статик ҳамда динамик кўрсаткичларини прогноз қилиш асосланган;

молиявий ҳолат, фойда ва зарарлар, пул оқимлари прогноз ҳисобот шакллари ишлаб чиқилган ва улардан истиқболли таҳлилда фойдаланиш таклиф этилган;

молиявий ҳолатни қиёсий таҳлил этишнинг сегментли услуби ишлаб чиқилган ҳамда асосий фаолият ва бизнесни стратегик ривожлантиришни узвий алоқадорликдаги таҳлил методи таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар турли мулкчилик шаклидаги тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисобот элементларининг ретроспектив таҳлили иш активлиги, рискларга бардошлик кўрсаткичларини қиритиш асосида такомиллаштирилган йўналишлари таклиф этилган;

тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳолатини ва унинг қутилишларини, фойда ва зарарларини жорий ва истиқболдаги ҳолатини, пул оқимлари ва уларнинг жорий ва келгуси қийматларини таҳлил этиш орқали

фаолият ва бизнес самарадорлигига аниқ баҳо бериш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

молиявий ҳолат, фойда ва зарарлар, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботларни ретроспектив таҳлил этиш ва прогнозлашни халқаро амалиётдаги методика билан мувофиқлаштирилган;

молиявий ҳолат, фойда ва зарарлар, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари ва бошқа ҳисобот кўрсаткичларини прогнозлаштиришнинг рақамли технологиялари, дастурлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган усуллар ва ёндашувларнинг мақсадга мувофиқлиги, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мослиги, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, тадбиркорлик субъектларидаги операцияларга оид маълумотлар молиявий ҳисобот маълумотларидан олинганлиги, хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган тақлифлар турли мулкчилик шаклидаги тадбиркорлик субъектларининг ўтган йиллар жорий ва истиқболдаги молиявий аҳволини, унинг ўзгаришларини, фойда ва зарарларини, пул оқимлари нақдлигини ва капиталдаги ўзгаришларини таҳлил этиш, муҳим кўрсаткичларни прогнозлаш методикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган тавсиялардан тадбиркорлик субъектларини молиявий ҳисоботини аниқ таҳлил қилиш орқали мавжуд ҳолат ва унинг истиқболдаги қутилишларини прогнозлашда, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит соҳаси бўйича келгусида яратиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Молиявий ҳисобот элементларини прогнозлаш ва уларнинг ретроспектив таҳлилини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

молиявий ҳисобот элементларининг ретроспектив таҳлиliga «инвестицион жозибадорлик», «рискларга бардошлик» кўрсаткичларини киритиш ва аниқлаш услуги бўйича тақлифи «Ўзбекистон Темир йўллари» АЖ томонидан таҳлил ўтказиш жараёнида фойдаланилган («Ўзбекистон Темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 12 августдаги 14/2760-20-сон маълумотномаси). Мазкур тақлифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида тадбиркорлик субъектларининг тор ва чекланган доирадаги қизиқишлари юзасидан доимий ва потенциал инвесторлар, кредиторларга қарорлар қабул қилишда кенг имкониятлар берадиган муҳим молиявий индикаторларни ўрганиш ва шу орқали самарали бошқарув қарорларини тайёрлашга, фаолиятни истиқболга йўналтирилган менежмент бошқарувини йўлга қўйишга имкон берувчи иқтисодий дастакларга эга бўлинган;

молиявий ҳисоботни оралиқ, жамланган, алоҳида турларини таҳлил этиш орқали самарадорлик ва натижавийликни статик ҳамда динамик

кўрсаткичларини прогноз қилиш бўйича таклифи «Ўзбекистон Темир йўллари» АЖ томонидан прогноз кўрсаткичларини ҳисоблашда фойдаланилган («Ўзбекистон Темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 12 августдаги 14/2760-20 сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши тармоқ ва соҳалар бўйича ривожланиш ва тараққиётни белгилашнинг муҳим индикаторлари бўлган (ўзаро боғлиқлик, алоқадорлик, узвийликдаги), бизнес ва фаолият мақсадига эришишда бошқарув менежментини йўлга қўйишда муҳим дастакка эга бўлинган;

молиявий ҳолат, фойда ва зарарлар, пул оқимлари прогноз ҳисобот шакллари ва улардан истиқболли таҳлилда фойдаланиш бўйича таклифи «Ўзбекистон Темир йўллари» АЖ томонидан прогнозли молиявий ҳисобот тузишда фойдаланилган («Ўзбекистон Темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 12 августдаги 14/2760-20-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида прогнозли молиявий ҳисоботни (пул оқими, фойда ва зарарлар, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботларни) тайёрлашнинг умумбелгиланган ва халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган муҳим нормалари (низомлари, йўриқлари, тартиблари)ни ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш ва прогнозлашнинг ташкилий тузилмаларни шакллантириш, иқтисодий самарадорликка эришишда бизнес таҳлилни йўлга қўйишнинг келажакка йўналтирилган стратегик таҳлилни ташкилий, услубий аппарати шакллантирилган;

молиявий ҳолатни қиёсий таҳлил этишнинг сегментли услуби ҳамда асосий фаолият ва бизнесни стратегик ривожлантиришни узвий алоқадорликдаги таҳлил методи бўйича таклифи «Ўзбекистон Темир йўллари» АЖ томонидан қиёсий таҳлил қилиш жараёнида фойдаланилган («Ўзбекистон Темир йўллари» АЖнинг 2020 йил 12 августдаги 14/2760-20-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида тармоқ қорхоналарида инвестицион жозибаторлик, кредитга қобилиятлилиқ, иқтисодий ночорлик эҳтимолларини баҳолаш орқали, кизиқувчиларнинг кенг доираси учун мақбул қарорлар қабул қилишда, молиявий хавфсизликни таъминлашнинг келажакка йўналтирилган сифатли аналитик хизматларни йўлга қўйишнинг аниқ дастакларига эга бўлинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 5 та республика ва 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, ҳулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 148 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши ва апробацияси ҳамда диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Глобаллашув жараёнида молиявий ҳисобот элементлари, ретроспектив таҳлил ва прогноزلашнинг назарий ва концептуал асослари» деб номланган биринчи бобида акциядорлик жамиятларида молиявий ҳисоботлар, уларнинг муҳим элементлари, бошқарувда ретроспектив таҳлилни аҳамияти ҳамда прогноزلашнинг назарий-услубий жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Молиявий ҳисоботни ретроспектив таҳлили асосида тадбиркорлик субъектининг таҳлил қилинаётган даврдаги молиявий аҳолини таҳлил этиш, молиявий кўрсаткичлар ва натижаларнинг омилли таҳлилни амалга ошириш, мавжуд имкониятлари ва улардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишнинг муҳим йўналишларини белгилаш, ўз маблағлари ва қарз маблағлари ҳисобига молиялаштиришнинг яқин, ўрта ва узоқ даврийликдаги талабни ўрганиш, тадбиркорлик субъектининг операцион, инвестицион ва молиявий фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган, фаолиятни диверсификация қилишнинг асосланган, тизимли чора-тадбирлари белгиланди.

Молиявий ҳисоботни ретроспектив таҳлил этишда ўрганиладиган муҳим молиявий кўрсаткичлар тизимига ликвидлик, тўловга лаёқатлик, молиявий барқарорлик, иш активлиги, кредитга қобиллик, фойдалилик, турли рискларга бардошлик кўрсаткичлари киритилди.

Молиявий ҳисобот таҳлилининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

моддий ва молиявий ресурслар ҳаракати ўртасидаги мувозанат даражасини аниқлаш;

оптимал фойда олишни мақсад қилган иқтисодий айланма жараёнида мулк ва қарз маблағлари оқимини баҳолаш;


самарали капитал тузилмасини сақлаб қолиш учун пул маблағларидан фойдаланиш даражасини аниқлаш;

тадбиркорлик субъектлари молиявий оқимларини назорат қилиш, моддий ва молиявий ресурсларни сарфлаш меъёрларига ва стандартларига риоя қилиш.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида молиявий ҳисоботнинг оралик, жамланган, алоҳида молиявий ҳисобот турлари таркибланади. Уларнинг фарқли жиҳатларини қуйидагича изоҳлаш мумкин (1-расм).


Молиявий ҳолат ва ундаги ўзгаришларни таҳлил этиш орқали нафақат бўлиб ўтган жараёнларнинг самарадорлиги ва натижавийлиги балки уларнинг келгусидаги кутилишлари ҳам прогноз қилинади⁷.

⁷ Рахимов М.Ю. Иқтисодийёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Т.: Молия – иқтисод, 2015. -316 б.



1-расм. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида молиявий ҳисоботнинг муҳим шакллари ва уларнинг таснифи⁸

Ўзбекистон ва хориж амалиётида молиявий ҳолатни баҳолашда қуйидаги таркибий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади (2-расм).



2-расм. Молиявий ҳолатни ретроспектив таҳлил этишнинг муҳим кўрсаткичлар тизими⁹

Молиявий ҳисобот таҳлилининг муҳим принциплари сифатида рус олимлари Э.В.Рогатенюк ва И.П.Пожарицкаялар тизимлилик, комплекслик, мунтазамлик, узлуксизлик, объективлик принципларини таркиблайди¹⁰. Бошқа бир олимлар, Н.А.Кизим ва В.В.Иваниенколар тизимлилик, иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги, интеграция, мураккаблик, моделлаштириш тамойилларини келтириб ўтади.¹¹

Бизнинг фикримизча молиявий ҳисобот таҳлилининг муҳим принципларига: тизимлилик; комплекслик; илмий асосланганлик; мақсадлилик; қийсийлик; ишончлилик; режалилик; келажакка йўналтирилганлик принциплари киради.

Молиявий ҳисоботни прогнозлашнинг концептуал асослари ҳисобот фойдаланувчилари учун прогнозли ахборотларни тақдим этиш талаблари, молиявий ҳисоботни прогнозлаш мақсади, молиявий ҳисоботни прогнозлаш

⁸ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁹ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁰ Рогатенюк Э.В. Пожарицкая И.М. Финансы предприятий: Учеб. пособие. — Симферополь: Крымская академия природоохранного и курортного строительства, 2002. — 271 с.

¹¹ Кизим Н.А., Иваниенко В.В. Финансовый анализ: Учеб. пособ. — 3-е изд. испр. и доп. — Х.: ИД "ИНЖЕК", 2005. — 248 с.

сифат хусусиятлари, молиявий ҳисоботни прогноزلаш натижаларини тан олиш мезонларини аниқ белгилаб беради (3-расм).

Ҳисобот фойдаланувчилари учун прогнози ахборотларни тақдим этиш талаблари	Молиявий ҳисоботни прогноزلаш мақсади
Молиявий ҳисоботни прогноزلаш сифат хусусиятлари	Молиявий ҳисоботни прогноزلаш натижаларини тан олиш мезонлари

3-расм. Молиявий ҳисоботни прогноزلашнинг концептуал асосларининг муҳим бандлари¹²

Прогнозли молиявий ҳисобот тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул маблағларини келажақда кутилишларини илмий асосланган, тахмин қилинган натижаси ҳисобланади.

Прогнозли молиявий ҳисоботнинг мақсади бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидан кейинги саналар бўйича (келгусидаги) молиявий аҳволи, молиявий натижаси ва пул маблағлари тўғрисидаги ахборотни тақдим этишдан иборат.

Прогнозли молиявий ҳисобот иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдаланувчиларга зарур бўлган барча ахборотни ўз ичига олмайди.

Прогнозли молиявий ҳисобот ахборотига бўлган эҳтиёжлар қуйидагиларда вужудга келади (4-расм).

Тадбиркорлик субъектига берилган ва эндиликда киритиладиган инвестициялар билан боғлиқ хатарлар муносабати билан мулк эгалари ва инвесторларда	Тадбиркорлик субъектининг келгусидаги фаолияти барқарорлиги ва рентабеллиги тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган бошқарув органилари ва ходимларида	Тадбиркорлик субъектининг узлуқсиз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган харидорларда	Тадбиркорлик субъектининг қарзларни сундириши, кредитларни қайтариши ва фоизларни ўз вақтида тўлашидан манфаатдор бўлган кредиторларда	Тадбиркорлик субъектининг бюджет ва бюджетдан ташқари тўловлари юзасидан солиқ хизмати, статистика органларида ва бошқа қизқувчиларда
--	---	---	--	---

4-расм. Прогнозли молиявий ҳисоботдан манфаатдорлар гуруҳи¹³

Молиявий ҳисоботни прогноزلаш корхона бошқарув аппаратини турли ҳолатлар бўйича танловлар қилишга ундайди. Агар ушбу ҳолатлар бўйича тўғри қарорлар қабул қилинмаса фаолият натижасида турли салбий ҳолатлар (ишлаб чиқариш ҳажмининг тушиб кетиши, даромадлар ва харажатлар номутаносиблиги, активларни молиялаштиришдаги муаммоларга дуч келинади). Амалиётда прогнозларни ишлаб чиқишни 100 дан ортиқ методлари қўлланилади. Уларни шартли равишда тўрт гуруҳга бирлаштириш тўғри бўлади (5-расм).

¹² Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


¹³ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Молиявий ҳолат ва унинг келгусидаги кутилишларини прогношлаш фақат корхонанинг ўзигагина тегишли омиллар таъсирида ўзгарадиган жараён эмас, унга кўпроқ ташқи омиллар ҳам таъсир этади. Келгусида эришилиши кутилаётган натижага эришиш рискларини камайтириш орқали аниқликни юқори нормасига чиқиш имконияти мавжудлигини ҳисобга олсак, прогношлаш корхоналарнинг келажакдаги молиявий ҳолати ва молиявий натижаларини, фойда ва зарарларини тўғри аниқлаш ва бошқарувни шунга мос равишда ташкил этиш имконини беради.

ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ	ЭКСТРАПОЛЯЦИЯ
ПРОГНОЗЛАШ УСУЛЛАРИ	
МАТЕМАТИК	МОДЕЛЛАШТИРИШ

5-расм. Молиявий ҳисоботни прогношлаш усуллари¹⁴

Тадбиркорлик субъекти молиявий ҳисоботни прогношлашда қуйидаги таҳлилий амаллар таркибланади: маълумотларни йиғиш; ҳисоб-китобларни амалга ошириш; оралиқ жадвалларни тузиш; натижаларни акс эттириш; графикалар тузиш (6-расм).



6-расм. Молиявий ҳисоботни прогношлашда таҳлилий амаллар¹⁵

Бизнес-жараёнлар самарадорлигини ошириш механизмлари орасида режалаштириш ва прогношлашга муҳим аҳамият қаратилади. Режалаштиришнинг реаллигига прогношлаш орқалигина эришилади.


Прогнозлаштириш, даремад ва харажатлар фарқланишида ижобий қолдиқнинг, пул оқимларини узлуксизлигини таъминлашнинг, ликвидли балансни шакллантиришнинг, операцион фаолият рентабеллигини оширишнинг, асосий фаолият харажатларини камайтиришнинг, иш унумини оширишнинг муҳим дастаги ҳисобланади.

«Молиявий ҳисоботларни ретроспектив таҳлили ва уларни прогношлаш» деб номланган иккинчи бобида молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот таҳлили ва унинг прогношлаш, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот таҳлили ва уни прогноллаш, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот таҳлили ва уни прогноллаш, молиявий ҳисоботларни прогноллашнинг халқаро амалиёти ва уларни қиёсий таҳлили тадқиқ этилган.

Прогнозли молиявий ҳисоботни таҳлил қилиш ва прогноллашнинг алгоритмик кетма-кетлиги қуйидаги тартибда амалга оширилиши белгиланди (7-расм).

¹⁴ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁵ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



7-расм. Молиявий ҳисобот таҳлили ва прогнозлашнинг алгоритмик кетма-кетлиги¹⁶

Бизнесга оид иқтисодий қарорларни қабул қилишда, айниқса прогноз мақсадларида, молиявий маълумотлардаги тенденцияларни баҳолаш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш ва прогноз қилиш учун қўлланиладиган усуллар иқтисодиётнинг шиддат билан ривожланишидан орқада қолмоқда.

Қорхона молиявий ҳолатини баҳолашнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири бу молиявий барқарорликдир. Прогнозлаштиришда молиявий барқарорлик қисқа, ўрта ва узоқ даврийликда баҳоланади.

Молиявий ҳолат таҳлилида тадбиркорлик субъектининг молиявий аҳволи ва унинг келгусидаги кутгилишларига баҳо берилади (1-жадвал).

1-жадвал

Молиявий ҳолат таҳлили ва унинг муҳим мавзулари¹⁷

Классик услубда молиявий ҳолат таҳлили мавзулари	Халқаро амалиёт бўйича ¹⁸ молиявий ҳолат таҳлили мавзулари	Танқити оғайнаётган молиявий ҳолат таҳлили мавзулари
бухгалтерия балансининг таркиби ва тузилиши; мол-мулк таркибининг таҳлили; маблағлар манбаининг таҳлили; айланма маблағларни қоплашга ўзлик манбаларининг старлиги ёки е гипсмаслигининг таҳлили; молиявий барқарорлик таҳлили; молиявий коэффициентлар таҳлили; қорхонанинг тўлов қобилиятини таҳлили; мол-мулк ва маблағлар ҳаракатчанлигини таҳлили; айланма маблағлар айланишининг таҳлили.	молиявий сиёсат; активларни баҳолаш (МХХС асосида); қондалари; жорий инвестициялар таҳлили; жалб қилинган маблағлар таҳлили; кредит таҳлили; молиявий фаолият таҳлили; инвестицион фаолият таҳлили; кооперациялараро таҳлили; операцион фаолият таҳлили; инвестицияланган капитал ва рентабеллик таҳлили; истикболли таҳлили; кредит таҳлили; капитал таҳлили ва баҳолаш.	активлар таҳлили; мажбуриятлар таҳлили; капитал таҳлили; молиявий барқарорлик таҳлили; тўлов лаёқати ва ликвидлик таҳлили; инвестицион активлик ва кредит қобилиятини таҳлили; иш активлигини таҳлили; иқтисодий почорлик таҳлили; молиявий ҳолатни прогнозлаш.

Капитални шакллантириш ва молиялаштириш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва айланма маблағлар билан таъминланганлик, иш активлиги ва


¹⁶ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁷ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁸ K. R. Subramanyam Financial statement analysis, eleventh edition Published by McGraw-Hill Education, 2 Penn Plaza, New York, NY 10121. Copyright © 2014 by K. Карлин Т.Р. Анализ финансовых отчетов (на основе GAAP) Учебник. — М.: ИНФРА-М, 1998. — 448 с. — ISBN 5-86225-675-X

фаолият натижавийлиги, молиявий барқарорликнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Молиявий барқарорликда қуйидаги боғлиқликка муҳим аҳамият қаратиш лозим (8-расм).




8-расм. Молиявий барқарорликнинг активлар, капитал ва мажбуриятлар ўзгаришига боғлиқ жиҳатлари¹⁹

Белгилар изоҳи: $A1/A0*100$ активларнинг ўсиши; $T1/T0*100$ тушумнинг ўсиши; $F1/F0*100$ фойданинг ўсиши; $K1/K0*100$ капиталнинг ўсиши; $M1/M0*100$ мажбуриятнинг ўсиши.

Бизнесни ривожлантириш истикболлари, прогноз кўрсаткичлари аввало тадбиркорлик субъекти эгалари, менежерлар ёки ҳамкорлар талабига кўра тайёрланади. Прогнозли молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот тадбиркорлик субъекти бўйича тўлиқ ёки унинг бўлимлари бўйича тузиб чиқилади.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни прогнозлашнинг муҳим қаторларига қуйидагилар киритилади (9-расм).



9-расм. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни прогнозлашнинг муҳим объектлари²⁰

Молиявий ҳисоботларни прогнозлашда аниқланадиган кўрсаткичлар ва уларнинг эталон бирликларини, молиявий аҳвол, молиявий натижалар, пул оқимларини келгусидаги қутилишларини аниқлаш, таҳлил қилишда тизимли ёндашувни талаб этади.

Молиявий ҳолатни прогнозлашда ўрганиладиган муҳим нисбий кўрсаткичларга ликвидлик, молиявий барқарорлик, тўловга қобилиятлилик кўрсаткичлари ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларни прогнозлашда ҳар битта кўрсаткичнинг эталон бирлиги шакллантирилади ва унинг ўзгаришларини баҳолаш орқали корхонанинг келгусидаги молиявий аҳволига объектив баҳо берилади.

¹⁹ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

²⁰ Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Муҳим муаммо молиявий ҳолати тўғрисидаги ҳисобот прогнозини аниқлашда эмас, балки уларни алоҳида ҳужжат шаклида қайд этишда ҳамдир. Мазкур тартиб афсуски расмий қонунчилик нормаларида белгиланмаган. Шу сабабли, уларни тузиш ва расмийлаштириш тартиблари, шакли ва таомилларини тадбиркорлик субъектлари мустақил белгилаб келмоқдалар.

Прогнозли молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот тадбиркорлик субъектининг капиталидан келгусида фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда энг муҳим восита ҳисобланади.

Прогнозли молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботни тадбиркорлик субъектларида капитал танқислигини олдиндан ҳал қилишнинг муҳим чора-тадбирларини кўришга, уларнинг асосли ечимларини қилиш имконини беради. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот прогнози доимо иккита муҳим ҳужжат, яъни фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ва пул оқими тўғрисидаги ҳисобот прогнозидан кейингина тузиб чиқилади. Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот прогнози турли молиявий кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш, унинг келгусидаги молиявий аҳволидаги ўзгаришлар тенденцияларини аниқлашга имкон беради.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот прогнозини тузишнинг энг муҳим усули бу тушум ҳажмининг ўзгариши усулидир.

Тушум ҳажмининг ўзгаришига таъсир этувчи асосий омиллар сирасига қуйидагилар қиради: ўтган даврдаги сотишлар ҳажми; бозор шароитлари ва ўзгаришлари; умумий иқтисодий вазият; маҳсулотлар рентабеллиги; нарх сиёсати; мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси; харажатлар.

Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик жамиятининг бухгалтерия баланси (активлари, капитали ва мажбуриятлари) прогнозини қуйидаги жадвал маълумотлари асосида умумлаштиришни лозим деб топдик (2-жадвал).

Мос равишда капитал ҳажмидаги ва мажбуриятлар таркибидаги ўзгаришлар қуйидагича бўлган. 2021 йилга капитал ҳажми 35.066,286 минг сўми, 2022 йилга 40,992,347 минг сўми, 2023 йилга 48,524,371 минг сўми, 2024 йилга 58,098,023 минг сўми, ҳамда 2025 йилга 70,265,114 минг сўми ташкил қилган.

Қўшимча молиялаштиришга бўлган талаб 2021 йилда 4,158,179 минг сўми, 2022 йилда 8,968,021 минг сўми, 2023 йилда 15,134,953 минг сўми, 2024 йилга 22,938,630 минг сўми, 2025 йилга 32,893,043 минг сўми ташкил қилади.

Объектив ва субъектив омиллар таъсирида иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг миқдорий томонларини ўрганиш, фаолият ва бизнес самарадорлигига комплекс баҳо бериш, нақдликлар ва молиявий имкониятларни аниқлаш, тадбиркорлик субъектларининг ривожланиш тенденцияларини очиб беришга қаратилган молиявий таҳлил замонавий бошқарувда фақат бўлиб ўтган жараёнлар ҳақида маълумотлар базасига таянган ҳолда ўз мақсадига эриша олмайди.

Бухгалтерия баланси прогнози 2021-2025 йй.²¹

Актив, капитал ва мажбуриятлар	Йиллар				
	2021	2022	2023	2024	2025
Актив	35066286	40992347	48524371	58098023	70265114
1. Узоқ муддатли активлар	22542528	27400864	33575810	41424165	51399425
Асосий воситалар қолдиқ қиймати	17927439	22785775	28960721	36809076	46784336
Номоддий активлар қолдиқ қиймати	442	442	442	442	442
Капитал қўйилмалар	2307143	2307143	2307143	2307143	2307143
Бошқа узоқ муддатли активлар	2307504	2307504	2307504	2307504	2307504
2. Жорий активлар	12523758	13591483	14948561	16673858	18865689
Товар моддий захиралари	1198797	1523671	1936585	2461400	3128440
Келгуси даяр харажатлари	8583815	8583815	8583815	8583815	8583815
Дебиторлар, жами	1308120	1662621	2113192	2685867	3413737
шу жумладан:					
Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар	126235	160445	203926	259190	329430
Бюджетга аванс туловлари	51681	65687	834888	106113	134870
Пул маблағлари	976970	1241729	1578238	2005941	2549551
Бошқа жорий активлар	456056	579647	736731	936835	1190146
Баланс активи жами					
Капитал ва мажбурият	35066286	40992347	48524371	58098023	70265114
1. Ҳў маблағлари маибаси	15183909	15739519	16402077	17256422	18318044
Устав капитали	5572250	5572250	5572250	5572250	5572250
Резерв капитали	7678651	7678651	7678651	7678651	7678651
Тақсимланмаган фойда	1384792	1940402	2602960	3457305	4518927
Бошқа манбалар	548216	548216	548216	548216	548216
2. Мажбуриятлар	19882377	25252828	32132294	40841601	51947070
Узоқ муддатли банк кредитлари ва қарзлари	13655532	13655532	13655532	13655532	13655532
Жорий мажбуриятлар, жами	2068666	2629275	3341809	4247439	5398495
шу жумладан:					
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга мажбуриятлар	677858	861558	1095040	1391796	1768973
Бюджетга мажбуриятлар	64732	82274	104570	132908	168926
Қўшимча молиялаштиришга талаб	4158179	8968021	15134953	22938630	32893043

